

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА №05

Термиз шаҳри

2022 йил « 15 » ноябр

Вилоят кўп тармокли тиббиёт маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи Б.Мамасоатов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва "SARBARAOY" МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Ч.Сагизов, (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **"Иссиқ овқат билан таъминлаш"** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил « 15 » ноябрдан.

2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Тулов шартлари

2.1 Шартнома умумий суммасининг 30%и миқдорда ғазначилик бўлимида рўйхатдан утгандан кейин 5 банк кунда «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

2.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 10 банк кунда қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига утказиб берилади

2.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли булади.

III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

3.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

3.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

3.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

3.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

3.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

3.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

3.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

3.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

3.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

3.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

3.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

3.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф

этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

3.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

3.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

3.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

3.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

3.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

3.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

3.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

3.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

3.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

3.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

3.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

3.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

3.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

3.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

IV. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **ҚҚСсиз 96 208 000 (Туксон олти миллион икки юз саккиз минг) сўмни** ташкил этади.

4.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

4.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

4.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

4.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

V. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

5.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

5.4. Буюртмачига ҳар чорақда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

5.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 6.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 6.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга қўриб чиқиш учун берилади.

VII. Форс-мажор ҳолатлар

- 7.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

V III. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахннинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига қафолат беради.
- 8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қушимчалар қонуний кучга эга бўлади. Узгариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.
- 8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.
- 8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

IX. Яқунловчи қоидалар

- 9.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
- 9.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
- 9.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

X. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 10.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»
НОМИ «SARBARAOY» МЧЖ _____
МАНЗИЛ Термиз ш Саломатлик 2 уй _____
Ж\Р 20208000705419063001 _____
ИНН 308722757 МФО 01032 _____
Б\К Капитал Банк Термиз фил _____
РАХБАР _____ Ч. Сағизов _____
(имсо) (ф.и.о.)

«Буюртмачи»
НОМИ Вилоят куп тармоқли тиббиёт маркази _____
МАНЗИЛ Термиз ш Саломатлик 2 уй _____
Ш.х.в 401321860224017073101054001 _____
ИНН 200478064 ОКОНХ 91511 _____
ЎзРесп. Молия вазирлиги Ғазначилиги
ИНН: 201122919 Б/К 00014
Тошкент шаҳар Марказий банки ХҚКМ
ж/р: 23402000300100001010
РАХБАР _____ Б. Мамасоатов _____
(имсо) (ф.и.о.)

Юрист визаси: _____

Мен _____нинг юристи, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

«15» ноябр 2022 йил _____ / _____

ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

Т/Р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик-лари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)
1.	Январь	31	порция	-	-	-
2.	Февраль	28/29	порция	-	-	-
3.	Март	31	порция	-	-	-
4.	Апрель	30	порция	-	-	-
5.	Май	31	порция	-	-	-
6.	Июнь	30	услуг	-	-	-
7.	Июль	31	порция	-	-	-
8.	Август	31	порция	-	-	-
9.	Сентябрь	30	порция	-	-	-
10.	Октябрь	31	порция	-	-	-
11.	Ноябрь	30	порция	28000	3436	96 208 000
12.	Декабрь	31	порция	-	-	-
	Шартноманинг жами суммаси	365/366				96 208 000

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2020 й., 09/20/16/0046-сон)

Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»
НОМИ «SARBARAOY» МЧЖ
МАНЗИЛ Термиз ш Саломатлик 2 уй
Х\Р 20208000705419063001
ИНН 308722757 МҒО 01032
Б\К Капитал банк Термиз фил
РАХБАР Ч. Сағизов
(имзо) (ф.и.о.)



«Буюртмачи»
НОМИ Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
МАНЗИЛ Термиз ш Саломатлик 2 уй
Ш.х.в 401321860224017073101054001
ИНН 200478064 ОКОНХ 91511
ЎзРесп. Молия вазирлиги Ғазначилиги
ИНН: 201122919 Б/К 00014
Тошкент шаҳар Марказий банки ҚҚМ
х/р 23402000300100001010
РАХБАР Б. Мамасоатов
(имзо) (ф.и.о.)



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177693 на приобретение Иссик овкат химзмати аутсорсинг асосида

Способ проведения электронный

Дата 11.11.2022

Время рассмотрения 11.11.2022 13:12

Закупочная комиссия Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAMASOATOV BOTIR OSHILDUEVICH	Бош врач	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
Секретарь комиссии	OTAMURODOV TOLOIN XUSHVAQTOVICH	Хисобчи	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
Член комиссии	BOYMATOV RAHIM YUSUPOVICH	Бош хисобчи	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
Член комиссии	XANALIYEV OYBEK VAHODIROVICH	Хужалик булими бошлиғи	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
Член комиссии	JUMAYEV JO'RABEK OSHILOVICH	Омбор мулдари	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази
Член комиссии	MIRZAYEV FAXRIDDIN FAZULLAYEVICH	Хужушунос	Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.11.2022 года № лота 177693.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга аутсорсинга по доставке еды		
Подробное описание	Иссик овкат химзмати аутсорсинг асосида		
Количество товара	3,436.00		
Единица измерения			
Цена товара (услуги) за единицу	28 500.00		
Стартовая сумма	97 926 000.00		
Валюта	UZS		

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи борлиғи турғисида маълумотнома (Руйхатдан уттанлиғи турғисида маълумотнома)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
MCBU SARBARAOV	35	35	35	Экспертная	

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
ЧП TERMIZ NODIR ZAMIRA	35	35	30	Экспертная	

Критерий №2 ишчи мутахасисларнинг мавжудлиғи

Тип: Текстовое значение

Описание: малакали мутахасислари турғисида маълумотнома (Меҳнат дафтарчаси, меҳ. ва санитар книжжалари тақдими килиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
MCBU SARBARAOV	35	35	35	Экспертная	
ЧП TERMIZ NODIR ZAMIRA	35	35	29	Экспертная	

Критерий №3 карздорлиғи, йуқлиғи турғисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка мажбурий , иктимой туловлардан карздорлиғи йуқлиғи турғисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
MCBU SARBARAOV	35	35	30	Экспертная	
ЧП TERMIZ NODIR ZAMIRA	35	35	29	Экспертная	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MCBU SARBARAOV	97 926 000.00	96 208 000.00 UZS	96 208 000.00	00.00	96 208 000.00	11.11.2022 09:08:41	30
ЧП TERMIZ NODIR ZAMIRA	97 926 000.00	96 888 328.00 UZS	96 888 328.00	00.00	96 888 328.00	11.11.2022 09:16:14	29.78935

Итоговая оценка участников включая финансовую части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MCBU SARBARAOV	66.6666	30	96.6666
ЧП TERMIZ NODIR ZAMIRA	58.667	29.78935	88.45635

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177693 от 11.11.2022 года на приобретение Исстик овкат хизмати аутсорсинг асосида определила победителем:

MSH SARBARAOY
308722757

и резервный исполнитель: ЧП TERMIZ NODIR ZAMPIKA (305281329)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	МАМАСОЛТОВ ВОТИР ОСИЛДИЙЕВИЧ	Согласен	
Член комиссии	БОУМАТОВ РАХИМ ЮСУПОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ХАНАЛИЕВ ОУБЕК ВАХОДИРОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ЖУМАЕВ ЖО'РАБЕК ОСИЛЛОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEV FAXRIDDIN FAYZULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**177693 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

15.11.2022 07:50

Комиссия раиси:

MAMASOATOV BOTIR OCHILDIYEVICH